

Мўғул татар қиссаси

4- қисм

[Ўзбекча – Uzbek – **الأوزبکي**]

АБУ АБДУЛЛОҲ аи-ШОШИЙ

Нашрга тайёрловчи: Шамсиiddин Даргомий

2012 - 1433

IslamHouse.com

﴿ قصة التتار [المغول] ﴾

الحلقة الرابعة

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: شمس الدين درغامي

2012 - 1433

IslamHouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Барча мактovлар Оллоҳга хосдир. Унга ҳамду сано ва истиғфорлар айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз, нафсларимиз ҳамда ёмон амалларимиздан паноҳ тилаймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен шериксиз, ягона Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

Ўтган дарсимиизда:

- Қозоғистон ва Бухорога мўғуллар ҳужуми;
- Бухорони қирғин қилиниши□
- Мўғул ҳодисасига Ибнул Асир –раҳимаҳуллоҳ–нинг муқаддимаси□
- Самарқандни босиб олиниши;
- Муҳаммад ибн Хоразмшоҳни мўғул изқуварларидан қочиши ҳақида зикр қилган эдик.

Муҳаммад ибн Хоразмшоҳнинг сийрати ва енгилиш сабаблари

Ибнул Асир –раҳимаҳуллоҳ–нинг Муҳаммад ибн Хоразмшоҳ таржимаи ҳоли таърифида ажойиб сатрларни топамиз, буюк мусулмон имомларининг бири кўз ўнгингизда гавдаланади, агар бу киши ҳаётининг бошқа томони – хотимаси, жангдан қочганлиги ва

енгилганлигига назар солсангиз, ҳафсалангиз пир бўлади. Ибнул Асир –раҳимаҳуллоҳ– унинг сийратида куйидагиларни келтиради: "Подшолик даври 21 йилу бир неча ой давом этди, ҳокимияти кенгайди, шоншухрати ортди, мамлакати Ирокнинг чегарасидан Туркистонгача етди. Афғонистондаги Фазна, Ҳиндистоннинг баъзи қисми, Покистондаги Сажистон ва Карман, Эрондаги Тобаристон, Журжон, Тоғ мамлакати, Ҳурросон ва Форснинг баъзи қисмларига хукмронлик қилди. Бу ўлкаларнинг барчаси, мўғуллардан қочган мусулмонлар бошлигининг кўл остида эди"¹. Бу сатрлардан мамлакати жуда катта бўлганлиги ва шу билан бирга узоқ вақтлар буюк давлатни бошқариб келганлигидан, унинг жуда яхши бошқарувчи бўлгани маълум бўлади.

Ибнул Асир бошқа ўринда шундай дейди: "Қийинчилик ва йўл мashaққатларига ўта сабрли, роҳат-фароғат, айшу-ишратга ҳирс кўймаган, бутун эътибори мамлакат бошқаруви, юрт ва халқ ҳимояси эди"².

Шахсий ҳаётидан қуйидагиларни айтади: "Фозил инсон бўлиб, фикҳ, ҳадис ва бошқаларнинг олими, уламолар ва дин аҳлини эъзозловчи, уларни яхши кўриб, эҳсон қилувчи эди"³.

¹ Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/372)

² Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/372)

³ Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/372)

Бу сифатлар Мұхаммад ибн Хоразмшохни юкори мақомларга құтаради, шундай юксак сифатлар сохиби, бундай аянчли ва хунук мағлубиятта учраши мүмкінми? Нақот, кенг мамлакат ҳокими мұғулларға қарши жаңгыра сабр билан тұра оладиган жаңгчиларни топмасдан, шарманда ва фожиали ніхояга юз тутди? Доктор Сиржоний айтадики, бу ўриннинг таҳлили дикқатимни тортди, сўнгра Ибнул Асирнинг китобида бу инсоннинг ҳаётидаги сир-асрорларнинг қўпини очиб ташлайдиган ўринни топдим. Ибнул Асир –раҳимаҳуллоҳ– айтади: "Мұхаммад ибн Хоразмшоҳ бир давлатни босиб олар ва унинг подшоларини ўлдирап, ёлғиз ўзи барча ўлкаларга султон бўлар эди. Мұғуллардан енгилганида, юртда мұғулларға қаршилик қиласидиган ва мамлакатни ҳимоя қиласидиган киши қолмаган эди"⁴.

Мұхаммад ибн Хоразмшоҳ мусулмон ва бошқарувчи сифатида ажойиб инсон эди, бироқ ўзи билан атрофидаги ислом шаҳарлари орасидаги барча алоқаларни узиб қўйган ва улар билан ҳамкорлик қилмас эди. Ҳамкорликни тиклаш ўрнига, бу шаҳарлардаги ҳокимларни ўлдириб, уларни ўз мамлакатига қўшиб олган эди. Шак-шубҳа йўқки, бу нарса ўша юртларнинг халқлари қалбидә чексиз нафрат, адоваратни пайдо қиласидиган ва бу ҳикматсизлик эди. Расулуллоҳ –саллоллоҳу алайҳи ва саллам– ўлкаларни фатҳ қиласигандарда, у ерларнинг бошлиқларини волий

⁴ Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/362)

ҳолида қолдирап, бу билан ҳокимлар ва халқнинг муҳаббатига эришар эдилар. Масалан, Баҳрайннинг подшоси Мунзир ибн Савий –разияллоҳу анҳу– иймон келтирди, уни ўз ўрнида, давлатининг ҳокимлигига қолдирилар, Уммоннинг подшолари Жайфар ва Аббод исломни қабул қилганларидан сўнг, уларни ҳам волийликларида қолдирилар, Яманнинг волийси Базон ибн Сасон ал-Форсий имон келтирди, уни юртига волий этиб тайинладилар. Бу сиёsat, ҳикмат ва ўта юксак бошқарув услубидир. Муҳаммад ибн Хоразмшоҳ инсонлар муҳаббати билан эмас, куч-қуввати билан ҳоким бўлди. Инсонларга иши тушиб, уларга муҳтоҷ бўлгандা, улардан ҳамкорликни топмади. Хоразм давлатида ички қўзғалонлар тўхтамасди. Шу сабабдан, юртдагилар фикри тарқоқ ва бир ёқадан бош чиқара олмасдилар. Умматнинг ҳоли бу экан, нусрат келиши амри маҳолдир,

"Албатта Оллоҳ Ўзининг йўлида гўё туташ бинолардек бир сафга тизилган ҳолларида жиход қиласидиган зотларни севар"⁵

Бу қўмандон, олим, фақиҳнинг ҳаётидаги сирдир, давлати кенгайиб, армияси кўпайди, сўнгра денгизнинг ўртасида ёлғиз, бадарға қилинган, қочоқ ва фақир ҳолатда оламдан ўтди. Насойи ва Абу Довуд Абу Дардо –разияллоҳу анҳу–дан ривоят қилган хадисда,

⁵ Соф - 4

Расулуллоҳ –саллоллоҳу алайҳи ва саллам– шундай дедилар: *"Жамоатни лозим тутинглар! Чунки, бўри ҳам (подадан) четда қолган қўйни ейди"*⁶.

20 минг мўғул изқуварлари Хоразмшоҳни ортидан қувиб, тута олмаган ва Хоразмшоҳ кемада қочиб, Каспий денгизидаги оролга етиб олган, мўғул изқуварларидан қутилган эди. Бундан сўнг, бу мўғул армиясининг кичик бўлаги нима қилди? Атиги 20 минг бўлган бу мўғул суворийлари нима қилишга қарор қилди? Ислом давлатлари ич-ичига Хоразмшоҳни ахтариб кирган мўғул изқуварлари турган жой, яъни Каспий денгизи соҳили билан мўғул хони Чингизхон жойлашган жой, яъни Самарқанд шаҳри орасидаги масофа –текис ва тўғри йўл бўлган тақдирда— 650 км.дан ортиқроқ эди. Агар Самарқанд билан Каспий денгизи орасидаги минтақаларда мавжуд бўлган ўта машаққатли табий ғовлар, тўсиқлар ҳисобланган тоғлар ва анҳорларни эътиборга олсак, мўғул изқуварлари турган жой, мўғул хони Чингизхон ўрнашган ер орасидаги бу масофанинг нечоғлик катталигини тасаввур қила оламиз. Шунингдек, мўғуллар бу минтақа аҳолиси бўлмагани, ундаги ҳаёт тарзи ва йўлларни билмасликлари ҳамда бу ерларда жафо чеккан ҳалқларнинг қалбларидағи мўғулларга нисбатан ашаддий адоватларини эътиборга олсак, бу мўғул

⁶ Насонӣ (847) ва Абу Довуд (1/150/547) ривоятлари

изқуварларининг Самарқанддан не қадар узокда эканини фаҳмлаймиз.

Бу миңтақалар аҳолиси муболағасиз, бир неча милион бўлиб, 20 минг мўғул суворийлари уларга бас кела олмаслиги турган гап эди. Чингизхон ҳам 650 км.дан ортиқроқ узокда эди. Лекин воқеъликда эса, аянчли ва шармандали ишнинг гувоҳи бўлдик, мусулмонларнинг қалбига руҳий тушқунлик, қўркув сингиб кетган, ҳақир дунёга ўралашиб қолган ҳамда ўз масканлари ва шаҳарларида ўша озгина мўғул армияси қўлида ўлишни ўзларига эп кўрган эдилар. Субҳаналлоҳ!

Имом Абу Довуд ва Аҳмад ўзларининг ҳадис тўпламларида, Савбон –разияллоҳу анху–дан ривоят қилган саҳих ҳадисда, Расулуллоҳ –саллоллоҳу алайҳи ва саллам– шундай дейдилар: *"Миллатлар хўранлар овқатига йигилганидек, сизнинг устингизга йигилиш арафасида"*. Шунда саҳобалар: Ё Расулуллоҳ! Ўша кунда озлигимиздан (шундай бўламиз)ми? – деб сўрадилар. Расулуллоҳ –саллоллоҳу алайҳи ва саллам– дедиларки: *"Йўқ, у кунда сизлар кўпчилик, лекин худди селнинг қуйқаси каби бўласизлар. Душманларингиз қалбидан қўркув олиб қўйилади ва сизларнинг қалбингизга эса, ваҳн солиб қўйилади"*. Шунда саҳобалар: ваҳн нима? – деб сўрадилар. Расулуллоҳ –саллоллоҳу алайҳи ва саллам–: *"Ваҳн – бу дунё ҳаётини*

яхши кўриб, ўлимни ёмон кўришидир", – деб жавоб бердилар⁷.

Дарҳақиқат, мусулмонларнинг қалбларини дунёга бўлган муҳаббат ва ўлимни ёмон кўриш эгаллаб олган, сел оқимига қўшилиб оқувчи қуйқумлар каби бўлиб қолишган эди. Уларнинг на ўз истаги, на ғояси ва на мақсади бор эди. Оллоҳ азза ва жалла мўғулларнинг қалбидан мусулмонлар ҳайбатини кўтарган, мусулмонларнинг қалбига эса, ваҳнни – дунё ҳаётини яхши кўриб, ўлимни ёмон кўришни, заифликни ва руҳий тушкунликни солган эди. Уларнинг кўплиги фойда бермади. Ҳатто юзлаб мусулмонларнинг қархисидан битта мўғул чикқанда, оёқларини ердан узишга ва унга қарши чиқишга қуввати етмади. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах.....

Мозандарон, Рой, Қозвин, Арманистон ва Грузияга мўғуллар босқини

Мўғул изқуварлари нима қилди? 20 минг хос армия Каспий денгизи соҳилидан Мозандаронга қайтди ва мустаҳкам қўргони, шаҳарга кириш машаққатлиги, мусулмон мамлакатлар ичida энг қувватлиларидан бири бўлишига қарамай, уни қисқа фурсатда забт этди. Умар –разияллоҳу анху – халифа бўлган даврларда мусулмонлар Кисронинг давлатларини бошдан охригача фатҳ

⁷ Абу Довуд (4/111) ва Аҳмад (5/278) ривоятлари

қилғанларида ҳам, Мозандаронга кира олмаган эдилар, умавийлар халифаси Сулаймон ибн Абдул Малик замонидагина бу шаҳар фатҳ қилинган эди. Лекин мұғуллар жуда қисқа фурсатда унга кирдилар, бинобарин, қувватлари билан эмас, балки ўша вақтдаги Мозандарон аҳлининг руҳан заифлиги сабаб, осонлик билан қўлга олдилар. Шаҳарга киришлари биланоқ, ўзгаларга қилғанлари – ўлдириш, азоблаш, асир олиш, вайрон этиш, бандалар ва шаҳарни ёқиши амалиётларини қилишди, сўнгра Ройга қараб йўл олдилар.

Рой ҳам Эроннинг катта шаҳарларидан бири эди. Мұғуллар Мозандарондан Ройга қараб кетиш асносида, йўлда Мұхаммад ибн Хоразмшоҳнинг онаси, хотини ва улар билан бирга мисли кўрилмаган мол-мулк ва захираларга дуч келдилар, уларни барчасини қул вағанимат ўлароқ ўзлаштирилар ва зудлик билан, ўша вақтда Самарқанд шаҳрида ўтирган Чингизхонга жўнатдилар. Гўё Оллоҳ азза ва жалла Мұхаммад ибн Хоразмшоҳга ўлимидан кейин ҳам хорликни тўла-тўкис қилишни ирода қилгандек. Бу воқеани доктор Мұхаммад Саллабий қуйидагича баён қиласи: Хоразмшоҳнинг онаси Туркон Хотун ҳижрий 616 йил/мелодий 1219 сананинг охирларида ўзининг оксоchlари, ўғли Алоуддиннинг хотини, болалари ва шунингдек хазинадан ололғанларича олтин-кумушларни олиб, Хоразм минтақасини тарқ қилди. Кетишидан олдин ваҳшиёна, жирканч бир ишга қўл урди, Хоразмшоҳ босиб олган мамлакатларнинг амирлари Хоразм

камоқхоналаридан маҳбус эдилар, уларнинг барчасини қатл қилдирди. Ўлимга ҳукм қилинганлар жумласидан, Ироқдаги Салжуқийлар султонининг фарзандлари, Балх, Термиз, Бамённинг амирлари, Гурийлар давлати подшосининг авлодлари ва бошқа амирлар бор эди. Сўнгра Ироқقا қараб йўлга чиқди, Мозандарон қалъаларидан бирида мўғул саркардаси Субутой томонидан асирга олинади ва Чингизхонга жўнатилади. Чингизхон Хоразмшоҳнинг болаларини ёш бўлишига қарамай ўлдиради, шунингдек, иккита қизини ўғли Чифатойга беради, у эса, биттасига уйланади, иккинчисини яқинларидан бирига беради. Учинчи қизини ходими Донишмандга беради. Шу тариқа Хоразм иқлими Хоразм ҳукмдорларидан айрилади⁸.

Мўғуллар Рой шахрига етиб келди ва уни босиб олдилар ҳамда шаҳарни хонавайрон, аёллар ва болаларни қул қилди, тарихда мисли кўрилмаган ишларни амалга оширди. Сўнгра шаҳар атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни ҳам шу ахволга солиб, Қозвин шахригача етиб келишди ва у ерда 40 минг муслмонни ўлдиришди⁹. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ.....

⁸ Доктор Али Мухаммад Саллабий "ал-Мўғул байнал-интишор вал-инкисор" (125-126-бет)

⁹ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/92), Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/374)

Сўнгра мўғуллар Каспий денгизининг ғарб томонида жойлашган мусулмон Азарбайжон юртига лашкар тортди. Йўл давомида ўша вақтлар Азарбайжонга қараган, унинг шарқий томонида жойлашган, ҳозирги кунда Эроннинг шаҳари бўлган Табриз шахрининг ёнидан ўтишди. Шаҳар амири Ўзбек ибн Паҳлавон мол-давлат, кийим-кечак ва от-улов эвазига мўғуллар билан сулҳ тузишга қарор қилди, уларга қарши урушишни мутлақо хаёлига келтирмади. Эртаю-кеч шароб ичишдан бўшамас эди. Ўша вақтда кўпчилик мусулмон бошлиқлар ҳаром ичимлик ичишдан таб тортмас эди. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах. Мўғуллар ҳадиялар эвазига, шаҳарни омон қолдирди. Зеро, бу минтақада аччик, қаҳратон қишиш бошланган эди¹⁰. Сўнгра мўғуллар Каспий денгизнинг ғарбий соҳили томон юришди, Табризни маълум вақтга ўз ҳолига ташлаб қўйиши. Азарбайжоннинг шарқидан шимолий томонига қараб эгаллаб бордилар.

Йўл асносида Арманистон ва Грузияга хужум ушюштирди. Арманистон, зикр қилганимиздек, аксар насронийлар истиқомат қиласиган жой эди. Грузияда эса, васаний ва насроний грузин қабилалари бор эди. Мўғуллар бу икки давлат билан жанг қилди, уруш Арманистон ва Грузиянинг мағлубияти, мўғуллар қўлини баланд келиши билан якун топди. Бу юртларда

¹⁰ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/92), Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/374)

хисобсиз даражада қирғин-барот, қатағонлар қилишди ва бу давлатларни ўз мамлакатлари доирасига қўшиб олишди¹¹. Мўғуллар мусулмонлар қирғинидан, насронийларга ўтган эди. Бу зикр қилганларимиз қирғинлар, вайронагарчилликлар, кул қилишларнинг барчаси мўғул армиясининг кичик бўлаги, Хоразмшоҳ кетидан тушган 20 минг изқуварларнинг иши эди. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах....

Фарғона водийси, Термиз шаҳри ва Кулоба қалъасини яксон қилиниши

Чингизхон Муҳаммад ибн Хоразмшоҳни қочиб кетганлигига ишончи комил бўлгандан сўнг, Самарқанд атрофидаги минтақаларга кўз олайтира бошлади, уларнинг ичидаги энг ҳашаматли ва кучлилари Хоразм ва Хуросон минтақалари эканлигини билди. Хуросон минтақаси ислом оламининг улкан жойларидан бири бўлиб, унда катта шаҳарлар мавжуд эди, уларнинг машҳурларидан: Балх, Марва, Нишопур, Ҳирот, Ғазна ва бошқалар бор эди. Хуросон минтақаси ҳозирги кунда Эроннинг шарқи ва Афғонистоннинг шимолига тўғри келади. Хоразм минтақаси эса, Хоразм давлатининг негизи, асоси бўлиб, мустаҳкам қалъя ва қўрғонлари, турли-туман бойликлари ва жанг маҳоратлари билан тилларда достон эди. Хоразм Самарқанднинг шимоли-

¹¹ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/92), Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/375-376)

шарқий томонида жойлашган бўлиб, ундан ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари орасидан оқиб ўтувчи Жайхун, яъни Амударё дарёси оқиб ўтар эди. Чингизхон Хоразм ва Хурсон минтақаларига ҳужум қилишдан олдин, маънавий жангни бошлади, бу билан мусулмонларнинг рухиятига таъсир ўтказишни хоҳлади, бу улкан минтақалардаги мусулмонлар қалбларига қўрқув солиш мақсадида, йўқ қилиш, яксон этиш амалиётини бошлади. У мўғул армиясини уч гуруҳга ажратди: биринчи гуруҳни Фарғона водийсига, иккинчисини Термиз шаҳрига ва учинчи гуруҳни Кулоба қальясига, уларни вайрон этиш, йўқ қилишга юборди¹². Фарғона водийси Ўзбекистон да Самарқанднинг шарқий томонида тақрибан 500 км.дан кейин келадиган, Термиз эса, Самарқанднинг жанубида тақрибан 100 км.дан кейин бошланадиган шаҳар эди. Термиз "Сунани Термизий" ҳадис тўплами соҳиби имом Термизийнинг шаҳридир. Кулоба қальяси, Жайхун, яъни Амударё дарёсининг ёнидаги энг мустаҳкам қалъалардан эди. Бу учала гурух, улардан Чингизхон хоҳлаганидек яксон қилишга киришди, бу минтақаларни ҳаммасини ишғол қилди ва у ерларда мўғулларнинг одатига кўра қатл, қирғин, вайрон қилиш, таҳқирлаш, кул қилиш, асир олиш ишларини олиб бордилар¹³. Сўнгра ён-атрофдаги халқларга мактуб йўлладилар. Мактуб қуидагиларни сўзлар эди: "Мўғуллар

¹² Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/95), Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/389)

¹³ Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/389)

чанқоғини фақат қон билан қондиради, фақат хонавайрон ва яксон қилиш билан бахтиёр, күнгли чөф бўлади, мўғуллар енгилмайди....". Бундан сўнг, бутун халоик кўркувга тушди. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ....

Хуросон ерларига ҳужум

Бу мўғул гурухлар ўзларига топширилган қабиҳ вазифаларни аъло даражада бажариб қайтгандаридан кейин, Чингизхон бундан-да қабиҳроқ ишга таёргарлик кўра бошлади. Хоразм ва Хуросон ерларига ҳамла қилиш учун ҳозирлик бошлади, дастлаб Хуросон диёрига ҳужум уюштириди. Чингизхоннинг ўғли Тўлийхон ҳижрий 617/мелодий 1220 сананинг куз фаслида Хуросон ерларига отасининг буйругини олиб жўнади. Чингизхон ўғли Тўлийхоннинг зиммасига 70 минг қўшинни бериб, ўзи эса, Балх шаҳрига отланди¹⁴, Балх шаҳри Афғонистоннинг шимолида ва мўғуллар хонавайрон қилган Термиз шаҳрининг жанубида жойлашган шаҳар эди. Бу шаҳар Хоразм давлатининг асосий шаҳарларидан бўлиб, Ўрта Осиёдаги катта тијоратлар бўладиган жойлардан бири эди, айтишларича, у ерда кичик масжидлардан ташқари, 1200 та катта масжидлар, тијоратчилар учун кўп қулагилклари бор бўлган шаҳар эди. Балх шаҳрининг

¹⁴ Доктор Али Мухаммад Саллабий "ал-Мўғул байнал-интишор вал-инкисор" (130-131)

халқи Термиз шаҳрида бўлган воқеалардан хабар топгани аниқ эди ва бунинг натижаси ўлароқ, уларнинг қалбларида мўғуллардан жуда қаттиқ қурқув юзага келган эди. Мўғул қўшини бу шаҳарга келганида, шаҳар аҳли мўғулларнинг тарихидаги қора кунлар ва ваҳшийликларни билган ҳолларида, улардан омонлик сўради. Мўғуллар одатига ёт, ҳайратда қолдирувчи ҳодиса содир бўлди, шаҳар аҳлини ўлдирмай, талонтарож ва қул қилмай, уларга ҳақиқий суратда омонлик берди. Балх шаҳри ҳижрий 618 йил (617 йил)¹⁵/мелодий 1221 йилда таслим бўлган эди¹⁶. Чингизхоннинг бу иши жуда "қизиқ" эди, лекин бу ажабланиш бир неча кундан кейин, унинг Балхга қайтганида тамоман йўқقا чиқади.

Мўғулларнинг Насо шаҳрига лашкар тортиши

Тўлийхоннинг қўшини ҳижрий 617/мелодий 1220 санада Хуросон ерларига юришни бошлади, унинг бир неча ўн минг лашкари Чингизхоннинг күёви Тучагарнинг қўмондонлигига Насо шаҳрига юриш қилди. Тучагар лашкарининг бир батольони шаҳарга яқинлашганда, мусулмонлар уларни ўққа тутишди, оқибатта бу батольоннинг командири Балкуш ва катта сондаги аскарлар ўлди. Тучагар бу ўринга етиб келади ва шаҳар атрофига 20 та манжаниқ, яъни тош отар мосламаларини ўрнатиб, шаҳарни ўққа тутишга буйруқ

¹⁵ Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/390)

¹⁶ Доктор Али Мухаммад Саллабий "ал-Мўғул байнал-интишор вал-инкисор" (131)

беради. 15 кундан кейингина шахар деворлари дарз кетиб, мўғуллар кечаси шаҳарга кириш имконига эга бўлади. Тонг отганда, батольон командири Балкушнинг қасосини олишга киришади. Бутун шаҳар аҳолисини ташқарига чиқариб, бир қаторга ёнма-ён саф бўлиб ва қўлларини орқага қилиб турмоқларига буюрди, сўнгра эркаклар, аёллар ва гўдакларни барчасини қатл қилдилар, ҳатто бу шаҳардан ўлдирилганлар сони 70 мингдан ошиб кетди¹⁷. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ.....

Марва шаҳри қирғини

Бир неча кун ўтгангандан кейин, Чингизхон Балхга қайтди ва унинг халқига ўзи билан бирга мусулмон Марва шаҳрини ишғол қилишда кўмакчи бўлишига амр этди. Улар мўғуллар билан бирга Марва шаҳрига уруш қилгани боришиди. Балхликларнинг барчаси мусулмон эди, лекин Термиз шаҳрида Чингизхоннинг буйруги билан содир этилган даҳшатли, ўта ярамас, жирканч амалларнинг натижаси ўлароқ, қалбларидағи руҳий тушкунлик оқибатида, ҳатто биродарларига қарши жанг қилишдан ҳам таб тортмадилар. Инсон ўлдирувчи ҳам, тирилтирувчи ҳам, жон бериб, жон олувчи ҳам оламлар Раббиси Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло эканлигини унутса, ўлимдан қўрққанидан мана шундай тубанликка, ўз ака-

¹⁷ Доктор Али Мухаммад Саллабий "ал-Мўғул байнал-интишор вал-инкисор" (131-132)

укалари мусулмон биродарларини ўлдиришга ҳам тайёр бўлиб қолар экан. Субҳаналлоҳ! Чингизхон шу тариқа бошқа жанглар учун куч йигар, ҳозирлик кўрар, мусулмонлар эса, бир-бирини қирав эди. Бу ҳодисаларни бугунги кунимизда ҳам кўп такрорини кўрамиз! Ҳодисаларнинг ўта ўхшашлиги ҳайратлидир. Бу оламлар Раббиси субҳанаҳу ва таолонинг ер юзида жорий қилган қонунларидандир, тарих батамом, бутун кўринишлари билан такрорланади, мана шу сабаб, ибрат олиш учун қиссаларни ҳикоя қиласиз.

Балхлик мусулмонлар мўғул қўшини билан бирга Марва шаҳрини ишғол қилиш учун келди. Ўша вақтлар Марва катта шаҳарлардан бири эди. Ҳозирги кунда Афғонистоннинг Балх шаҳридан 250 км.дан кейин келадиган, Туркманистон давлатида жойлашган шаҳар эди. Чингизхон ўғилларидан баъзиси қўшиннинг бошида бўлиб, қўшиннинг саноги ривоятларда аниқ зикр қилинмаган. Лекин Балхдан ўзлари билан олган мусулмонлар ва Афғонистоннинг шимолидаги мўғул қўшинларидан ташқари, бир неча 100 мингдан иборат, ниҳоятда катта қўшин эди. Мўғул лашкари Марва шаҳрининг киравериши, шаҳар ташқарисида 200 минг мусулмон рижолларга дуч келди¹⁸. Ўша замон учун, бу жуда катта армия ҳисобланар эди. Икки тараф ўртасида даҳшатли, кўрқинчли жанг содир бўлиб, буюк мусибат юз берди, жанг мусулмонларнинг зарарига ҳал бўлди.

¹⁸ Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/391)

Катта сондаги мусулмонлар қатл қилинган, қолганлари асир олинган, жуда оз қисмигина омон қолган, кўшиннинг мол-мулки, курол-аслаҳаси ва от-уловиғанимат қилинган эди. Ибнул Асир –раҳимаҳуллоҳ – бу жангни шундай тасвиrlайди: "Мўғуллар етиб келганида, мусулмонлар билан тўқнашди ва жанг содир бўлди, мусулмонлар сабр қилди, лекин мўғуллар мағлубият нималигини билмас эди"¹⁹. Субҳаналлоҳ! Душман билан жанг қилаётган мусулмонлар, душманини енгиб бўлмайди, деган эътиқодда эди.

Уларнинг рухияти ва манавияти қашшоқ, тубан даражада эди. Субҳаналлоҳ! Мусулмон армия аччиқ мағлубиятга дучор бўлди. Марва шаҳрига йўл очилди, ўртадаги тўсиқ синдирилган эди. Доктор Роғиб Сиржоний фикрига кўра, шаҳар аҳолиси 700 мингдан зиёдроқ бўлиб, мусулмон эркак, аёл ва болалардан иборат эди²⁰. Доктор Муҳаммад Саллабийнинг ёзишича, хижрий 618 йил муҳаррам ойининг боши/мелодий 1221 йил 25 февралда Тўлийхон 500 мўғул суворийлари билан Марва шаҳри қамалига киришди, бир ҳафта ўтар-ўтмас мўғул лашкари етиб келди²¹. Мўғуллар катта шаҳарни қўршаб олди, кўз ўнгларида катта армиянинг қирғинига гувоҳ бўлган халқнинг дилларини қўрқув эгаллаган эди, лекин шунда ҳам осонликча таслим

¹⁹ Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/391)

²⁰ Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/393)

²¹ Доктор Али Муҳаммад Саллабий "ал-Мўғул байнал-интишор вал-инкисор" (132)

бўлмади, шаҳар дарвозасини тўрт кун мобайнида очмади. Сўнгра бешинчи кун мўғуллар Марва шахрининг ҳокимига мактуб йўллади, мактуб кўйдагиларни сўзлар эди: "Ўзингни ва халқингни ҳалокатга қўйма, олдимизга кел, сени юрtingга амир қиласиз ва сизларни тинч қўямиз!"²² Шаҳар ҳокими мўғул бошлиғининг сўзига ишонди ёки ўзини-ўзи ишонтириди ва мўғул қўмондони олдига келди. У тантанали равишда кутиб олинди, унга хурмат-эҳтиром кўрсатилди, Тўлийхон уни ўзига яқин олди, сўнгра лаънати мўғул қўмондони шундай деди: бизнинг олдимизга асҳобларинг, яқинларинг ва қавмингнинг катталарини бошлаб кел! Уларни ҳам кўрайлик, хизматимизга ярайдими билайлик, яраса уларга ҳадиялар, мукофат тарзида ерлар бўлиб берайлик, шунда улар ҳам биз билан бирга бўлсин! Бундан сўнг, алданган амир ёрдамчилари, катта вазирлари ва армиясининг олдига қайтди. Уларни Тўлийхоннинг олдига бошлаб келгандан сўнг, ҳаммаси тутилиб, арқонга боғланди ва улардан иккита узун рўйхат ёзишлари талаб қилинди:

Биринчи рўйхат: Шаҳардаги катта тижоратчилар ва мулкдорлар исмлари ёзилган рўйхат;

²² Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/392)

Иккинчиси: Мохир ишбилармонлар ва хунарманд-косиблар номлари ёзилган рўйхат²³;

Сўнгра Чингизхоннинг ўғли шаҳар аҳолисини ҳаммасини шаҳардан ташқарига чиқишига буюрди, халқдан биттаси ҳам қолмай шаҳарнинг ташқарисига чиқишиди. Сўнгра Чингизхоннинг ўғли олтиндан бўлган курсига ўтирган ҳолатда буйруқ бера бошлади²⁴:

Биринчи буйруғи: Шаҳарнинг катталари, амирлари ва катта саркардаларни келтириб, омма халқнинг кўз ўнгидаги ўлдириш.

Иккинчиси: Мохир ишбилармон ва хунарманд-косибларни чиқариб, уларнинг малакалари ва иш кучларидан Мўғулистандаги ишлаб чиқариш ва саноатчиликда фойдаланиш масқадида, у ерга жўнатиши.

Учинчиси: Мулк эгалари ва тижоратчиларни чиқариб, бор мол-мулкига далолат қилгунича қийноқ, азоб бериш. Мулкдорлар хазиналарини кўрсатиб беришди, уларнинг ичида ўз жонини қутқариб олишга етарли нарса тополмай калтакнинг зарбидан ҳаётдан кўз юмгандари ҳам бўлди.

²³ Ибнүл Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/392- 393)

²⁴ Ибнүл Асир "ал-Камил фит-Тарих" (12/392-393)

Тўртингчиси: Шаҳарга кириб, уйларни тафтиш қилиш. Мулк, мато, олтин ва кумуш қидириш. Тафтиш уч кун давом этди. Ҳатто Ҳоразмнинг қадимги сultonларидан бўлган сulton Санжарнинг қабрини очиб, тилла ва кумуш қидиришди.

Бешинчиси: Шаҳар аҳолисини битта қолдирмай ўлдириш. Эркак, аёл, гўдакларни ўлдира бошладилар ва бизга осийлик қилдинглар, бизга қарши бош кўтардинглар, ким бизга қарши бош кўтарса, оқибати нама шундай бўлади, дер эдилар. Ибнул Асир – раҳимаҳуллоҳ – айтади: Чингизхоннинг ўғли, шаҳар аҳолиси ўлдирилиб бўлгандан сўнг, ўликларни санашга буюрди, 700 минг ўлик бор эди²⁵. Жувайнининг нақлига кўра, Марва шахрида ўлганлар сони 1300000 га етган эди, бу тасаввурга ҳам сиғмайди²⁶. Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун.

Ҳақиқатан, инсоният тарихида Одам алайҳис-салом яратилгандан бўён, узок ўтмишда ва яқин келажакда ҳам мутлақо бунинг сингари қатағон, қирғин юз бермаган! Ва лаа ҳавла ва лаа қуввати иллаа биллааҳ..... Марва шахри йўқ бўлди, унинг номи тарих сахифаларидағина қолди. Бугун дунё ҳаритасига назар солсангиз, ўша кунги Марванинг номидан асар ҳам қолмаган. Субҳаналлоҳ! Ҳозирги кунимизда мусулмонлар устида

²⁵ Ибнул Асир "ал-Камил фит-Тарих" (393)

²⁶ Доктор Али Мухаммад Саллабий "ал-Мўғул байнал-интишор вал-инкисор" (133), Жувайнин "Тарихи Жаҳонгушойи"

содир бўлаётган ҳодисаларга бир назар солсак, бугун биз ўша мўғуллар қиссасига нисбатан Оллоҳнинг буюк раҳматида эканлигимизни биламиз. Уч ёки тўрт йил ичида Фаластин аҳлидан уч ёки тўрт минг мусулмон ўлдирилаётган ёки Фаллуджада ўнлаб ёки юзлаб киши ўлдирилаётган ёинки бошқа ислом юртларида юзлаб мусулмонлар ўлдирилаётган бўлса, мўғуллар тарихида бир кунда битта шаҳарнинг ўзидан 700 мингдан ортиқ мусулмон ўлдирилди²⁷, булар бутун шаҳар аҳолиси эди. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ.....

Валлоҳу таъала аъламу....

Оллоҳ субҳанаҳу ва таолодан унинг ер юзида жорий қилган қонунларини билдиришини, манфаатли бўлган илмни таълим беришини, таълим бергани билан фойдалантиришини ва тарихни бизларга ибрат қилишини сўраймиз, албатта у Оллоҳнинг қўлида ва у бунга қодир зотдир.

Bассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

²⁷ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/96)